

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил 31 май куни жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти, Хонқа туман суди, Хонқа туман 22-сонли умумий ўрта таълим мактаби биносидан, очиқ сайёр суд мажлисида, туман судининг судьяси М.Б.Киличевнинг раислигида, З.Кобулованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хонқа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Р.Каримов, фуқаровий даъвогар З.Шерипова, судланувчи Ж.Назаров ва унинг ҳимоячиси адвокат **Н.Отажановларнинг** иштирокида, судланувчи [REDACTED] га нисбатан бўлган 1-2209-1901/33-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] куни Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, судланмаган, Хонқа туман 22-сонли умумий ўрта таълим мактабида 9-синф ўқувчиси, Хонқа тумани, Намуна қишлоғи, Туркистон маҳалласида яшайди, унга нисбатан 2019 йил 8 майдан “шахсий кафилик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2019 йил 22 май куни олган;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокараларини, судланувчининг музокара ва охирги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ж.Назаров, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил 20 апрель куни соат тахминан 19:30 ларда қўшнисини яъни, Хонқа тумани, Намуна қишлоғи, Туркистон маҳалласида яшовчи, [REDACTED] ни яшаш уйига уйни орқа томон эшиги очиқ турганлигидан фойдаланиб ғайриқонуний равишда кириб, уйни даҳлизда турган бир дона сандиқ эшигидаги қулфини бузиб очиб, сандиқ ичида бўлган 200 АКШ доллари ва 6.065.000 сўм пулларини яширин равишда ўғирлаб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиб ходиса жойидан яширинган.

Сайёр суд муҳокамасида судланувчи Ж.Назаров, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 20 апрель куни маҳалласида тўй

бўлганлиги сабабли тўйга борганлиги, тўйда қўшниси З.Шерипова ўғли ва кизи билан юрганлигини кўриб, уларни уйида ҳеч ким йўқлигини билиб шу куни соат тахминан 19:30 ларда ўз уйига бориб уйини орқа томон боғ қисмидаги девордан ҳеч кимга билдирмасдан ошиб ўтганлиги, З.Шерипованинг яшаш уйини орқа томон эшиги очик турганлигидан фойдаланиб уй ичкарасига кирганлиги, уйни даҳлизда турган бир дона сандиқга кўзи тушиб, ушбу сандиқни очмоқчи бўлганида сандиқда қулф ўрнатилганлигини кўриб, ушбу қулфни бузиш имкони бўлмаганидан кейин, уйни боғ томонида жойлашган омборхонадаги болтани олиб келиб, ушбу болта билан уй ичкарасида турган сандиқни қулфига уриб очганлиги, сандиқ ичида жами 6.065.000 сўм пуллар ва 200 АКШ доллари борлигини кўриб ушбу пулларни олиб шу ердаги синган қулфни ва болтани ҳам олиб чиқиб болтани жойига қўйиб қулфни эса йўл бўйидаги сувга отиб юборганлиги, қолган нарсаларни яъни пулларни ўз яшаш уйини пол тагига яшириб қўйганлиги, шундан кейин таниши Фирдавсда ҳам телефон бўлмаганлиги сабабли у билан бирга Урганч шаҳар бозорига бориб, кўчманчи телефон сотадиган шахслардан ўзига J 4 ва J 3 русумли телефон апаратини сотиб олиб, таниши Фирдавсга J 3 русумли телефони берганлиги, ўзи эса J 4 русумли телефони олганлиги, шундан кейин яна бир таниши З.Вапаев билан бир мартаба Урганч шаҳрига бориб айланиб овқатланиб, З.Вапаев унга акаси касаллигини шунинг учун унга пул керак бўлиб турганлигини айтганлиги сабабли унга 50 минг сўм пул ва яна 500 минг сўм пулларни берганлиги, қолган пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборганлиги, олдин умуман ўғирлик қилмаганлиги, ўғирлаган пулларига телефон олмоқчи бўлганлиги, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, ўзига нисбатан қонуний енгиллик қилишни сўраб кўрсатма берди;

Гарчанд, судланувчи Ж.Назаров ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатма берган бўлса-да, суд унинг суд жараёнида аниқланган ҳолатлардаги айбини тўлалигича қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланган деб ҳисоблайди, жумладан:

Сайёр суд мажлисида сўралган фуқаровий даъвогар З.Шерипова, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 20 апрель куни қариндошларини уйида тўй бўлганлиги сабабли шу куни соат тахминан 18:00 ларда тўйга кетиб шу куни 22:00 ларда фарзандлари билан ўз уйига келиб уйда ётиб ухлашганлиги, эртаси куни соат тахминан 09:00 ларда бозорга бориш учун сандиқни калитини чўнтагидан олиб сандиқни қулфини очмоқчи бўлганида, сандиқ очик холда ётганлиги, сандиқ ичида бўлган 200 АКШ доллари ва 6.065.000 сўм пуллари йўқлигини билиб, ушбу пулларни топиш учун ҳамма жойни қараб чиққанлиги, пуллари ўғирланганлигини билиб дарҳол туман ИИБга хабар берганлиги, туман ИИБ ходимлари ушбу ўғирликни ўзининг қўшниси Ж.Назаров қилганлигини аниқлашганлиги, ҳозирда ушбу етказилган зарарни тўлиқ қоплаб олганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини,

Ж.Назаровга нисбатан қонуний енгиллик қилишни сўраб берган кўрсатмаси билан;

Шунингдек, судда муҳокама қилинган гувоҳларнинг кўрсатмалари, жиноят ишида мавжуд ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, фотосуратлар ва нарсани ашёвий далил деб топиш ҳақидаги қарор, эксперт криминалистика бўлимнинг 2019 йил 26 апрелдаги 25-сонли хулосаси, 25.04.2019 йилдаги фуқаровий даъвогар З.Шерипованинг уйи кўздан кечирилганда аниқлаб олинган беш дона лента-скотч бўлақларига олинган бармоқ излари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланади.

Иш ҳолатларидан келиб чиқиб, суд юқорида келтирилган далилларни асосли, судланувчи Ж.Назаровнинг суд мажлиси жараёнида аниқланган ҳолатлардаги жиноий айби тўлиқ тасдиқланган.

Суд судланувчи Ж.Назаровнинг жиноий ҳаракатини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг айби ўғирлик, яъни уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жинояти Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи Ж.Назаровга нисбатан жазо тайинлашда амалдаги Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилиб;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак”-деб;

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандларида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”- деб, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”- деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд судланувчи Ж.Назаровга нисбатан жазо тайинлашда, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймондалигини, оилавий ва моддий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини, вояга етмаганлигини, яшаш ва ўқиш жойидан ижобий тавсифланганлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ва жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб инобатга олишни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида белгиланган инсонпарварлик принципига асосан жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги ҳамда жазолашдан кўзланган мақсадга Жиноят Кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги белгиланганлигига, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 86-моддаси 1-қисмида “Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлигини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади” деб, 87-моддасида “Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин. Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт” деб белгиланганлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли Қарори

_____ нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 88-моддаси 1-қисми “а” бандига асосан фуқаровий даъвогар З.Шериповадан вояга етмаганлар ишлари бўйича Хонқа туман идоралараро комиссияси йиғилишида яқка тартибда оғзаки шаклда узр сўраш мажбурияти юклатилсин.

Ж.Назаровга Хонқа тумандаги 22-сонли мактаб директори Д.Абдуллаев жамоат тарбиячиси этиб тайинлансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Ж.Назаровга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин ва 25.04.2019 йилдаги фуқаровий даъвогар З.Шерипованинг уйи кўздан кечирилганда аниқлаб олинган 5 дона лента-скотч бўлақларига олинган бармоқ излари жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Манфаатдор томонларга етказилган бошқа маънавий зарарлар бўлса уларни ундириш юзасидан фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида, жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация инстанцияси судлов хайъатига шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

М.Б.Киличев